



YOSHLAR ISHLARI
AGENTLIGI



BUXORO
DAVLAT
UNIVERSITETI
1930

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети



Ижтимоий фанлар
факультети
“Фалсафа ва мантиқ”
кафедраси
ташаббуси билан
ташkil этилган

“ЎЗБЕКИСТОНДА ФАЛСАФА ТАРИХИ МАКТАБИ
ВА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС”
МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ

Тошкент - 2022

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети
“Фалсафа ва мантик” кафедраси
Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ҳузуридаги
Ўзбекистоннинг энг янги тарихини мувофиқлаштирувчи
методик марказ
Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази
Ал Бухорий университети
Бухоро давлат университети
Навоий давлат педагогика институти**

**“ЎЗБЕКИСТОН ФАЛСАФА ТАРИХИ МАКТАБИ
ВА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС”**

**мавзусидаги
халқаро илмий-амалий конференция материаллари
(2022 йил 17 май)**

Тошкент – 2022

МАСЪУЛ МУҲАРРИР:

Мадаева Ш.О. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий
фанлар факультети “Фалсафа ва мантиқ”
кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори,
профессор

Тахрир ҳайати аъзолари

Г. Т. Махмудова Фалсафа фанлари доктори, профессор

Д.Э.Файзихўжаева Фалсафа фанлари номзоди, доцент

М.И.Ёқубова Фалсафа фанлари номзоди, доцент

А.О. Амиров Фалсафа фанлари номзоди, PhD

Техник муҳаррир: А.О.Амиров
А.Ш.Шукуров

Матнлардаги ғоя ва фикрлар, фойдаланилган мисол, кўчирма ва
маълумотлар аниқлиги учун мақола ҳамда тезис муаллифлари
жавобгардирлар.

ЎЗМУ Ижтимоий фанлар факультетининг Илмий кенгаши
томонидан нашрга тавсия этилган.
(2022 йил 20 май -сонли баённома).

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ

Наврузова М.Г.

*Бухоро вилоят халқ таълими ходимларини
қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини ошириш ҳудудий маркази“
Тилларни ўқитиш методикаси” кафедраси ўқитувчиси*

Аннотация: Мақолада туркий тилнинг чинакам маънода кашшофи бўлган Мир Алишер Навоий ҳазратларининг ижтимоий-фалсафий қарашлари адибнинг асарлари таҳлили билан очиб берилди.

Калит сўзлар: Ижтимоий-фалсафий қарашлар, ижтимоий муҳит, камолот, “маъно аҳли”, “суврат аҳли”, коинот

Навоийнинг ўз даври учун анча илгарилаб кетган қарашлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Улар қайсидир жиҳатдан XVIII асрда яшаб ўтган француз марифатпарвар файласуфларининг қарашларига якин туради.

Айтиб ўтиш керакки, бу масалада, Навоий, худди француз файласуфлари каби, гирдобга тушиб қолади. У, бир томондан, ижтимоий муҳитнинг инсон тарбиясида унинг камолотга эришишида муҳим эканлигини таъкидлайди; таъкидлайдики, инсон на яхши на ёмон бўлиб туғилади, балки атроф-муҳит, тарбиянинг таъсирида бундай бўлиб етишади; агар мазкур муҳит инсонийлик тамойилларига мос эмас экан, демак айнан муҳитни ўзгартириш ва шу орқали инсонларнинг бахтли бўлишларига эришиш лозим. Бу билан Навоий қисман субъективизмдан чекинади. Иккинчи томондан, Навоийда ижтимоий муҳит тушунчаси анча чекланган, бироқ, у муҳит деганда жамиятнинг моддий ҳаёт шароитларини эмас, балки унинг натижаларини, жумладан, сиёсий институтлар, давлат, ҳукмдорлар ва бошқаларни тушунади. Ижтимоий муҳитни яхшилашни Навоий субъектив омилларга – тарбияга, илмга, ақлга ва ахлоқий фаолиятга боғлайди.

Коинотдаги бор нарсалар турли-туман нарсалардан иборатдир. Мавжудотлар эса замон ва макон билан чекланиб қўйилган. Коинотдаги бор нарсалар аввали ва охири мавжуд. Ҳамма нарса бор бўлади ва белгиланган вақтдан кейин йўқ бўлади. Лекин борнинг йўқ бўлиши нисбийдир. Навоий “Ҳайрот ул-аброр” асарида коинотнинг вужудга келишини шундай кўрсатиб беради:

*Андаки бор эрди ниҳон бу жаҳон,
Балки ниҳондаги жаҳондек ниҳон,
Не сочибон кун юзи барг-и суман,
Не кечанинг турраси мушк-и Хўтан,
Не очибон кўкда шафақ лолалар,
Не ёғиб анжумдин анга жолалар [1: 14].*

Навоий инсоннинг ўз маънавий ва руҳий табиати билан бошқа мавжудотлардан ажралиши, ҳар бир инсоннинг инсонийлик даражаси унинг маънавий юксалиш даражаси билан белгилайди. Кишининг қиймати унинг одамийлиги билан белгиланади. Унинг одамийлиги эса мол-дунёси кўплиги ёки мартабаси баландлиги билан эмас, балки ушбу молу дунёсини халқ хизматига сарфлаши билан белгиланиши афзалроқдир. Бойлик орттириш, ушбу йўлда инсонларга жабр қилиш, мансабга интилиш, ва ушбу йўлда кишиларга зулм ўтказиш билан овора бўлган инсонлардан кўра, шоир оддий ва камбағал бир комилни ёки деҳқонни минг карра афзал кўради. Чунки биринчиси борлиқ қонунлардан беҳабар ва қимматбаҳо инсонийликни ўткинчи молу дунёга алмаштириб, ҳаётини мақсадсиз ўтказди. Иккинчи инсон эса ўз меҳнати билан ўзига ва жамиятга бебаҳо наф қилади. Ҳодисаларга тўғри кўз билан қараган инсонларни Навоий “маъно аҳли” деб билади, юзаки қарашларга эга одамларни эса “суврат аҳли” деб атади.

Навоий халқнинг фаровон турмушига эришишда ахлоқий таъсирнинг, ахлоқий омилларнинг аҳамиятини жуда юқори қўяди. Ижтимоий муҳитни яхшилаш тўғрисида гапира туриб, у ўз даври жамиятини тубдан ўзгартиришни илгари сурмайди. Унинг мақсади

омманинг жуда ҳам аянчли аҳволини хиёл бўлсада енгиллаштириш эди. Бироқ, ижтимоий муҳитни ўз гуманистик тамойиллари ёрдамида ўзгартириш тўғрисида орзу қила туриб Навоий шуни тушуна олмадики, бу каби тузумга барҳам бериш учун феодализм мулкдорлик тизимини, яъни айнан шу тизимни юзага келтирган тизимни йўқотиш талаб қилинар эди. Навоий асарларида айнан шу муҳим жиҳат тўғрисида маълумот йўқ. Аллақачон қисман таъкидлаб ўтганимиздек, Навоий фикрича, инсон ҳаракатлари инстинктив, мутлоқ ихтиёрий, сабабларсиз содир этилмайди. Аксинча, улар анча даражада мақсадга йўналтирилган ва сабаб-оқибат занжири билан боғланган: инсон ўз олдига унинг турли кундалиқ манфаатлари билан боғлиқ бўлган турли мақсадлар қўяди ва уларга турли йўллар орқали ҳаракат қилади.

Навоий фалсафасининг, унинг инсон ҳақидаги фикрларини, эстетик ғояларини, борлиқ ҳақидаги фикрларини англаш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Навоийнинг мутлақ борлиқ мавжудлигини тан олиб, уни замон ва макон нуқтаи назаридан чексиз деб изоҳлайди. Борлиқни аввали ва охири йўқ, деб ҳисоблайди. “Ҳайрат ул-аброр” асарида Навоий мутлақ борлиққа шундай таъриф беради: Ушбу асарда Навоий азал ва абаднинг нисбийлигини ҳақида мантикий хулоса чиқаради. Маконнинг тўлиқлик ва бўшлиқдан иборат, деб ҳисоблайди. Мутлақ борлиқ эса икки қисмни ичига олади: “Не анга замону макон ихтимоли, не замону макон андин холи. Не хало анинг еридур, не мало, аммо ҳам хало-ву ҳам мало андин тўла”

Мутлақ борлиқнинг асосий хусусиятларидан бирини Навоий нуқтаи назаридан зотнинг вожиблигини, яъни объективлик ғоясини илгари суради. Бу борлиқ инсонга таъсири бўлмайди, у бор бўлган ва бор бўлади. Нисбий борлиқни эса олим борлиққа қарам деб кўради. Мутлақ борлиқ таъсирида нисбий борлиқ бор бўлади, ёки, аксинча йўқ бўлиши мумкин. Лекин нисбий борлиқ мутлақ борлиққа ҳеч қандай таъсир ўтказолмайди. Навоийнинг қарашларида борлиқнинг пайдо бўлиши мутлақ борлиқ ҳаракати билан боғлиқ деб кўрсатилган.

Навоий баъзан инсонларнинг ҳаракатларининг пайдо бўлишида, аниқланишида ва йўналишида манфаат ва фойдага катта урғу беради.

“Фарҳод ва Ширин” достонининг бошланишида, инсон хатти ҳаракатларининг сабабий боғланганлигини кўрсатиш учун Навоий ёзади “Инсон мақсадсиз ҳеч қандай хатти-ҳаракатни амалга оширмайди”.

Худди шу фикрни у “Садди Искандарий” достонида ҳам давом эттиради. Масалан:

“Инсонлар муайян соҳада эҳтиёж сезмасдан туриб ҳаракат қилишмайди. Инсон қачонки унинг манфаатлари ҳукм қилсагина ҳаракатга келади ва фақат фойда келадиган нарсасигагина интилади. Шундай экан, билингки: мақсади фойда бўлмаган ҳаракат инсон томонидан амалга оширилмайди”. Бундан инсонлар ҳаётий эҳтиёжлар томонидан ҳаракатга келтирилади, деган хулосага келиш мумкин.

Навоий бу фикрга жуда кўп қайтади ва унга ўз асарларидан махсус боблар ҳам ажратади.

Баъзи инсонлар ўз манфаатларини ҳалол меҳнат ва ижтимоий жиҳатдан фойдали фаолият билан, бошқаларнинг манфаатларини поймол қилмасдан, балки уларга ҳам муайян хизматларни таклиф қилиш орқали амалга оширишади. Бошқалар эса моддий манфаатларини товламачилик ва куч ишлатиш билан амалга оширишади. Улар ўзларини ҳудого яқин турувчи, унинг иродасига бўйсунувчи инсонлар сифатида тутишади, лекин ўз фойдаси йўлида инсонларни алдашади.

Навоий инсонлар хулқ-атворида икки омилни ҳал қилувчи аҳамиятга эга деб ҳисоблайди. Булар – моддий манфаат ва ақлдор. Деярли барча кишиларда биринчи омил иккинчисидан устун келади, уларнинг хатти-ҳаракатларини белгилайди ва уларни у ёки бу мақсад томон бошлайди. Бунга истисно сифатида муайян олимларни ва донишмандларни келтириш мумкин.

Буни ёза туриб, Навоий бу ҳолдан ўзи ҳам ажабланади, ва ақлнинг моддий эҳтиёжларга боғлиқлигини, аниқроғи моддий манфаатнинг ақлдан устун туришини, манфаатнинг инсон устидан кучини, ролини ва ҳокимиятини, инсонлардаги ақлнинг ожизлигини тушунтиришга ҳаракат қилади.

Бу борада Навоий шундай деб ёзади:

“Бу даврда (балоғат ёшидан кейин) инсонда икки сифат шаклланади: манфаат кучи ва ақл кучи. Улар инсон ҳаракатларини (хулқ-атворларини) йўналтиради, бошқаради. Агар инсонда алқ кучи моддий манфаатдан устун келадиган бўлса, инсон доимо яхшилик томон интилади. Лекин бундай инсонлар сони жамиятда озчиликни ташкил қилиб, улар доимо ёлғиз бўлишади. Агар инсонда манфаат ақлдан устун келадиган бўлса, бу инсонни дарҳол тубанлик сари тортиб кетади. Уни қайта тарбиялаш лозим бўлади.

Инсон бу манфаат буюрган ҳар қандай нарсани бажаришга тайёр бўлади. Ҳамма манфаатлар ҳукми остидадир, инстинсно сифатида фақатгина ақлга бўйсунувчиларни келтириш мумкин”.

Навоий кези келганда иқтисодий манфаатнинг нафақат алоҳида индивидлар ҳаётидаги аҳамиятини, балки бутун бошли жамиятларнинг ҳаётидаги ҳал қилувчи ўрнини кўрсатиб беришга ҳаракат қилади.

Масалан, у ёзадики “халқнинг иқтисодий таъминланганлиги, тўқлиги ва қониқиши бу шундай нозик қуролки, у бошқа барча мушкул масалаларни ҳал этиш қудратига эгадир. Унинг воситасида ҳаттоки осонлик билан дунёни забт этиш мумкин”.

Бу ерда биз ижтимоий ҳаракатларни моддий манфаатлар ва эҳтиёжлар билан тушунтиришга бўлган уринишга гувоҳ бўламиз. Лекин бу уриниш уринишлигича қолади. У Навоийнинг умумий идеалистик тизимида ривожлантирилмайди ва у билан низога киришади.

Навоийнинг бу каби фикрлари ўша даврда ўз даври учун анчагина илғор бўлиб, у инсоннинг фаолиятини сусайтирадиган, инсоннинг бутун иродаси ва қудратини қандайдир “ҳудога” боғловчи, уни худонинг иродасиз ва кучсиз қулига айлантирувчи диний-мистик қарашлар тизимларидан анча устун бўлган.

Ҳукмрон феодал мафкура вакиллари тинчлик, барчага нисбатан “муҳаббат” ғояларини, ҳамманинг уйғунликда ҳаёт кечириши тўғрисидаги ғояни ва қудратли Худо баъзиларни бадавлат ва ақлли, баъзиларни эса камбағал ва аҳмоқ қилиб яратганлиги, баъзилар кумдор, баъзилар эса хизматкор бўлиши белгиланганлиги тўғрисидаги ғояларни зўр бериб тарғиб қилганлар. Уларнинг фикрича, бу фикрга ҳеч ким қаршилиқ кўрсатмаслиги керак. Буларнинг барчасига шаксиз ишониш уларнинг фикрича инсонга буюк ва абадий муҳаббатни, обрў-эътиборни, худонинг ёрдамини ва нариги дунёда энг фаровон ҳаётни олиб келган. Мисол учун, мусулмон илоҳиётининг энг обрўли вакилларида бири Зайнуддин бинни Муҳаммад Ғаззолий шундай деган. Яна бир мусулмон уламеси Аҳмад Яссавий шундай деган: “Камситилиш ва камбағалликни очиқ юз билан қарши ол”. “Агар золим сенга сулм ўтказса, фақат худонинг номини тилга олиш билан чеклан; қўлларингни очиб, кўкка назар солиб, фиғонингни фалакка соч ва зулмга, золимга бўйсун”.

Агар Ғаззолий ва Яссавий каби мусулмон уламоларининг ўзларининг барча фикрларининг Қуръондаги тегишли суръалардан олганлигини ва уларнинг мусулмон Шарқида катта обрўга эга бўлганликларини ҳисобга оладиган бўлсак, бу каби уламолар томонидан тарқатилган бу каби фикрлар қандай натижага олиб келганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Коинотнинг энг олий мавжудоти сифатида Алишер Навоий инсонни ифода этади. Инсон мутлақ борлиқнинг ижоди натижасида пайдо бўлиб, унда мутлақ борлиқ ўз ифодасини топади. Фақатгина инсон сўзлаш, фикрлаш, мутлақ борлиқни англаш қобилиятига эга бўлиб, кўнглида ҳақиқат хазинаси мужассам этган:

Ганжинг аро нақд фаровон эди,

Лек баридин гараз инсон эди.

Турфа қаломингга даги комил ул,

Сирр-и ниҳонингга даги ҳомил ул.

Кўнглига қилдинг чу ақин ганжи қисм,

Жисмини ул ганжга қилдинг тилисм[1: 16-17]

Инсонпарвар Навоий инсонни энг қимматли мавжудот, маҳбуб деб ҳисоблайди. Унинг инсонга нисбатан муҳаббати шу қадар кучли бўлганки, унинг қуйидаги сўзлари буни

исботлайди: “Тўғриси айтганда, халқни, унинг бахти ва тақдирини Худога ҳам ишонмайман”, “халққа хизмат қилиш вақти вақти билан худони эсдан чиқаришга олиб келди”.

Навоий жамиятнинг бир бирига қарши турувчи синфларга бўлиниши тўғрисидаги фикрлашгача бормаган, ва синфлар ҳамда синфлар орасидаги кураш тушунчалари устида фикр юритмаган. Ҳатто у жамиятни турли қатламларга ва гуруҳларга бўлсада, у бу гуруҳларни муайян тарихий ривожланиш даврларига тегишли бўлган, муайян ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлган, шундай экан, турли миқдордаги даромадга эга бўлган тоифаларга ажратмаган.

Қолаверса, Навоий инсонларга умумий эмас, балки хусусий, субъектив ёндашиш тарафдори бўлган.

Навоий умумий шаклда инсонларнинг манфаатлари ва характерида кўра фарқларини ажратишга, ўзи яшаган жамиятда улар орасида бир қанча фарқларни ажратишга муваффақ бўлди. Бунга Навоийнинг инсонларга бўлган муҳаббати, ўзи яшаган даврдаги шафқатсиз ҳаёт учун кураш пайтидаги улкан ҳаётий тажрибаси ёрдам берди. Шунинг учун ҳам у ҳақиқат йўлида ва халқ бошига солинган чидаб бўлмас даражадаги азобларнинг сабабларини кидириш давомида, ўзининг инсонпарвар ғояларини амалиётга жорий қилиш учун олиб борган тинимсиз курашлари давомида бошқаларнинг меҳнати ҳисобига кун кўрувчи гуруҳлар ҳаёти ва фаолияти билан тўкнаш келади.

Кўпинча Навоий инсонлар орасидаги фарқларга тўхталади ва қуйидаги сатрларга жойланган фикрларни такрорлайди: “Барча инсонни шаклига ва мазмунига кўра бир хил деб аташ мушкул: инсонлар тафаккур тарзига кўра ҳам, ижтимоий моҳиятига кўра ҳам турличадир”.

Навоий инсонларни асосан икки гуруҳга бўлади ва бу гуруҳлар эса ўз навбатида бир неча қатламларга ажралади. Бу қатламларнинг сони, Навоийнинг фикрича 38 та. Бунда Навоий асосан инсонларнинг ижтимоий-фойдали фаолиятга бўлган муносабатларидан, мамлакатга ва унинг фаровонлигига, инсон кадр-қимматида бўлган муносабатидан келиб чиққан. Биринчи гуруҳга халққа зулм ўтказувчи ва уни таловчилар киради. Булар золим шоҳлар, уларнинг амалдорлари, руҳонийлар, савдогарлар ва халқни куч ёки товламачилик билан талон-тарож қилувчи барча кишилардир. Навоий уларни итлар, чўчқалар, чаёнлар, эшаклар, бўрилар ва тулкилар деб атайди.

Бир неча мисол келтирамиз. Навоий бундай шоҳ ва унинг атрофидагилар (амалдорлари) ҳақида шундай ёзди:

“Одил подшоҳ – кўзгу, бу эса (золим шоҳ) – унинг акс томони. Биринчиси – чароғон тонг, иккинчиси – қаро тун. Зулм – иккинчисининг юрагига малҳам, бузуқилик – унинг севимли машғулоти. Мамлакатни хароба қилиб унинг кўнгли таскин топади, халқнинг оч ва наҳорлигидан у ўзини бахтли ва хавфсиз ҳис қилади. Гуллаган вилоят унинг дастидан култепаларга айланди, кабутархоналар – ўлаксахўрлар инига. Унинг зиёфат дастурхонига тўкилган май оқими бутун бошли аҳоли турар жойларини вайрон қилади. Унинг ҳаммоми замини масжид акридан ўғрилган қошинлар билан безатилган, ғиштлари вайрон қилинган меҳроб ғиштларидан тикланган. Қон тўкиш – унинг асосий машғулоти, агар у бирор тирик кимсани кўрса, уни ўлик кўрмагунча тинчимайди.

Қачон у ичкиликбозлик қилса, мусулмонларни кўчалар ва уйларида даҳшат босади. Агар у бузуқилик билан донг таратган бўлса, аҳолининг аёлларига хавф туғилади. Агар у жиззаки ва ўзбошимча бўлса, яна кулфат кўпаяди.

“Маҳбуб ул-қулуб” асарида Алишер Навоий одам ва одамийлик ҳақида, чин инсоний фазилатлар тўғрисида асрлар мобайнида халқ тажрибаси ва билими ҳақида йиғилган фикрларни баён этади. Ушбу асарда шоир ўзининг ижтимоий ғояларини илгари суради, чуқурлаштиради, янги далиллар билан исботлайди.

Навоий инсон маънавий дунёсини бойитиш учун, энг аввало, ўзини англаши зарур деб ҳисоблайди. Ушбу йўлда қуйидаги амалларга бўйсиниши лозим: биринчидан, нафсий қувватларни маънавий қувватларга бўйсиндириши; иккинчидан, илм олиши ва хунар

эгаллаши; учинчидан, илм, ҳунар, мол-дунёсини эзгуликка йўналтириши; тўртинчидан, кўнглини инсондаги гўзаллик билан бой эттириши.

Навоий ўз даврининг машҳур давлат арбоби бўлиши билан бир вақтда у буюк мутафаккир ҳам эди. Шоир сиёсат, давлат қонунларига оид махсус асарлар ёзиб, Туронда сиёсий-ҳуқуқий таълимотларнинг ривожланишини янги поғонага кўтарган шахсдир.

Алишер Навоийнинг “Тарихи мулуки Ажам” (“Араб бўлмаган шоҳлар тарихи”) асари ўз даври нуктаи назаридан илмий далилларга асосланган рисола ҳисобланади. Асарда Эрон ва Турон мулкида ҳукмронлик қилган тўрт сулола: пешдодийлар, каёнийлар, ашконийлар, сосонийлар тарихи батафсил ҳикоя қилинади.

Анъанага мувофиқ тарих Одам Ато (а.с.) даврига боғлиқ равишда талқин қилинади. Алишер Навоий мазкур асарда “Низому-т-таворих”, “Жомеу-т-таворихи Жалолий”, “Насихату-л-мулук”, “Жовидон хирад”, “Одобу-л-араб ва а-л-фурус”, “Тузида”, “Мунтахаб”, “Девону-н-насаб” каби манбалардан фойдаланади ва Банокатий, имом Муҳаммад Ғаззолий, Табарий, Али Мискавайх, Қози Барзовий каби тарихчи олимларнинг номларини келтириб, маълумотларни уларнинг асарларидан олганини айтиб ўтади. Шоирлардан Абулқосим Фирдавсий ва унинг “Шохнома”сига кўпроқ мурожаат қилади. Искандар ҳақидаги қиссада эса ҳамсанавислар Хусрав Дехлавий, Низомий Ганжавийларнинг қарашларини келтириб ўтади.

Алишер Навоий масалага нуктадон муаррих – тарихчи олим сифатида ёндашар экан, ҳар бир маълумотнинг аниқ ва асосли бўлишига алоҳида эътибор қаратади. Алишер Навоий пешдодийлар сулоласига мансуб 11, каёнийлар сулоласидан 9, ашконий сулоласидан 15, сосонийлар сулоласидан 28, жами тўрт сулоладан 63 ҳукмдорнинг номлари, уларнинг таржимаи ҳоли, ҳаёти ва юритган сиёсатига доир маълумотларни тақдим этади. Каюмарс биринчи шоҳ эканлиги, Хушанг, Баҳром, Афросиёб, Жамшид каби шоҳларнинг, Рустамдек ҳарбий саркардаларнинг фаолиятларига юксак баҳо беради.

Алишер Навоий мазкур асарида тарихга оид жуда кизикарли ва аҳамиятли қўплаб маълумотларни беради. Балх, Бобил, Нишопур, Марв, Самарқанд ва яна ўнлаб шаҳарларни бунёд қилган шоҳлар, Наврўз байрамининг келиб чиқиши, рўзанинг пайдо бўлиши, бутпарастликнинг сабаблари билан боғлиқ воқеалар шулар жумласидандир.

Алишер Навоий “Тарихи мулуки Ажам” асари орқали тарих билимдони қиёфасида намоён бўлади. Асардаги юзлаб географик номлар, юзлаб шахсларнинг исми-шарифи ҳамда юзлаб воқеалар муаллифнинг кучли хотирасидан ҳам дарак беради.

Навоийнинг дунёқарашида келажакда идеал давлат орзуси катта ўрин олган эди. Гап унинг бутун бир ҳаёлий давлати — «Садди Искандарий» достонидаги Искандар давлати ҳақида бормоқда. Мутафаккир сиёсий қарашларида мавжуд феодал давлатларни танқид қилиб тараққийпарвар аҳамиятга эга ишларни амалга ошириш билан чекланмасдан янада илгарилаб, Искандар давлатидек идеал давлатни ўз достонида яратди. Унда шоир бўлажак идеал давлатни сиёсат, давлат, давлатни идора қилиш шакли, давлатни бошқаришда фан ва техниканинг аҳамияти, халқаро ҳуқуққа оид масалалар, уруш ва тинчлик каби мураккаб сиёсий вазиятларни таърифлайди. Ана шу қўйилган масалалар бўйича ўзининг аниқ позициясини белгилайди. Энг муҳими, Алишер Навоий жамиятни давлатсиз, қонунсиз, шоҳсиз тасаввур қилолмайди. У жамиятда интизом қонун-қоида бўлишини эътироф этади.

Навоий катта сиёсий кураш йўлини босиб ўтиб, бой тажрибага эга бўлганидан кейин унинг ижтимоий-сиёсий қарашларида янада илгарилаш юз беради. Мутафаккир феодал давлати ва ҳуқуқининг тор доираларида чекланиб қолмасдан, ўзининг ватанида марказлашган адолатли давлатни барпо этиш ғоясида қолиб кетмасдан, янада илгарилаб, бутун дунёда ягона марказлашган адолатли давлат бўлиши, унинг тепасида эса адолатли шоҳ туриши керак, деган ғояга етиб боради.

Алишер Навоийнинг мероси кўп олимлар тадқиқотларининг катта ва муҳим объекти бўлиб қолди. Алишер Навоийнинг олижаноб ғоялари ва илҳомбахш асарлари тинчлик ва инсоният тараққиётида ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда. Навоийнинг ижтимоий-фалсафий ғоялари бугунги кун билан ҳамоҳанглиги ҳозирги глобаллашув

замонида маънавий мероси маданий трансформация жараёнини такомиллаштириш, умуминсоний қадриятларни сақлаб қолиш учун кучли гуманистик аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Ҳайрот ул-аброр. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. 7 том. –Т. Фан. 1991.
2. Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. 8 том. –Т. Фан. 1991.
3. Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. 9 том. –Т. Фан. 1992.
4. Алишер Навоий. Сабъаи сайёр. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. 10 том. –Т. Фан. 1992.
5. Алишер Навоий. Садди Искандари. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. 11 том –Т. Фан. 1993.
6. Алишер Навоий. Лисонут-тайр. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. 12 том. –Т. Фан. 1996.
7. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. 14 том. –Т. Фан. 1998.
8. Алишер Навоий. Тарихи мулуки аҷам. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. 16 том. –Т. Фан. 2020.
9. Комилов Н. Тасаввуф. –Т. Мовароуннахр – Ўзбекистон. 2009.
10. Чориев А. Инсон фалсафаси. Инсон тўғрисидаги фалсафий фикрлар тараққиёти. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти. –Т. 2007.
11. Юсупова Д. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (Алишер Навоий даври). –Т. Академнашр. 2013.

ЎРТА АСР ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ИЖОДИДА КОМИЛ ИНСОН КОНЦЕПЦИЯСИ ПАРАДИГМАСИ

*Нишонов С.Ж.
ЎзМУ таянч докторанти*

Аннотация: Мақолада мустақиллик даврида шаклланаётган ёшларнинг эстетик маданиятини рағнақ топиб бориши, миллий қадриятлармизнинг ижтимоий ҳаётда замонавий руҳда намоён бўлаётганлиги акс этган.

Калит сўзлар: соғлом авлод, маънавият, миллий қадриятлар, фалсафий тафаккур, эстетик маданият, эстетик онг, дунёқараш,

Ҳар бир жамиятнинг тараққиётида соғлом авлоднинг ҳар томонлама камол топиши учун қадимий тарихга эга бўлган маънавий дунёси, ахлоқий ўғитлари, ҳуқуқий маданияти, фалсафий мероси, сиёсий менталитети ва бой анаъаналарга узвийлашган эстетик маданияти алоҳида ўрин тутати. Булар, ўз навбатида, ижтимоий муҳитни тарихийлиги ва ҳаққонийлигини сақлаб қолишга, жамиятда ёшларнинг фалсафий тафаккурини шакллантиришга хизмат қилади.

Соғлом авлод маънавий дунёсининг ажралмас қисми бўлган эстетик маданият ҳам инсон қиёфасини безайдиган, хуснига-хусн қўшадиган руҳий куч ҳисобланади. Жамият барҳаётлигини таъминлаш учун ҳар томонлама ривожланган, юксак эстетик маданиятга эга бўлган авлодни тарбиялаб вояга етказиш бугунги куннинг долзарб масаласидир. Шу боисдан соғлом авлодни тарбиялашда «фарзандларимизга болалик пайтидан “яхши” ва “ёмон”, “мумкин” ва “мумкин эмас” деган тушунчалар ўртасидаги фарқни ўргатишимиз, ўзимиз эса уларга шахсий намуна бўлишимиз керак»¹ дея чорлаш мустақил тараққиёт йўлимиз учун

¹Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 3-жилд, 2019.